

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат  
заҳираларини бошқариш қўмитаси тасарруфидаги “Ғарбий” Давлат  
корхонасига Қўриқлаш хизмати кўрсатиш бўйича  
ШАРТНОМА**

Нукус шаҳри

12 -сон

2022 йил “18” Январ

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қорақалпоғистон Республикаси Қўриқлаш бошқармаси номидан тоифаланган объектни қўриқлашни ташкиллаштириш бўйича Низом асосида фаолият юритувчи бошлиғи М.И.Калжанов (кейинги ўринларда “Ижрочи” деб юритилади) бир томондан “Ғарбий” Давлат корхонаси номидан \_\_\_\_\_ асосида фаолият юритувчи директори А.С.Матчанов (кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади) иккинчи томондан, биргаликда “Томонлар” деб юритилади, мазкур Шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

### 1-боб. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1. “Буюртмачи” далолатномада кўрсатилган чора-тадбирларни давом қилдиради, “Ижрочи” эса “Ғарбий” Давлат корхонаси объектини қўриқлаш ва мудофаа қилиш бўйича жанговар хизмат ўташни давом қилдиради.

### 2-боб. УМУМИЙ ШАРТЛАР

2. “Буюртмачи” Нукус шаҳар Хўжайли гузари 14а-уйда жойлашган “Ғарбий” Давлат корхонасини қўриқлашни 36 бирлик, 4 та пост 24 соатлик (дам олишсиз, соат 09:00дан 09:00гача) сафдор ходим орқали қўриқлаш учун (кейинги ўринларда Объект деб юритилади) Ижрочига топширади, Ижрочи қабул қилади.

3. Объектдаги кириш-чиқиш, ички объект режими “Буюртмачи” томонидан тасдиқланадиган кириш-чиқиш ва ички объект режимини ташкил этиш йўриқномасига мувофиқ амалга оширилади.

4. Объектни техник қўриқлаш воситалари билан жиҳозлаш ва таъмирлаш Буюртмачи томонидан амалга оширилади.

5. Объектни қўриқлашда Буюртмачи билан келишилган ҳолда хизмат итларидан фойдаланиш мумкин.

### 3-боб. ТЎЛОВЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ

6. “Ғарбий” Давлат корхонаси объектини қўриқлаш ва мудофаа қилиш учун “Буюртмачи” Идоралараро комиссия далолатномаси билан белгиланган 36 бирлик, 4 та пост сафдор ходим орқали, пост-соат ҳисобида қўриқлаш хизмати бир ойига 262 472 360 - (Икки юз олти миң икки миллион тўрт

~~103 27.11.11 шкк шкк шкк 42 юз ол.шкк~~ ) сўмни, 12 ойга  
~~3449668320/42 шккшару бу юз кккк тўкккк шккшкн олн юз ол.шкк саккк шккк~~  
сўмни ташкил қилади. ~~48 юз ол.шкк.224 04-11~~

Мазкур сумма ўзгариши мумкин:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси томонидан тасдиқланган янги тарифлар киритилганда, энг кам ойлик иш ҳақи ўзгартирилгандагина қайта кўриб чиқилиши мумкин;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари билан белгиланган бошқа харажатлар миқдори ўзгарганда (мазкур шартномага кўшимча келишув сифатида расмийлаштирилади).

7. Буюртмачи мазкур шартномада кўрсатилган кўриқлаш хизмати учун ойлик тўловнинг 100 фоизи миқдорида ижрочи ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан кейинги ой бошланишдан \_\_\_ кун олдин тўловни амалга оширади.

8. Ушбу шартномада кўрсатилган муддатларда тўловлар келмаган тақдирда, Ижрочи Буюртмачига акцепсиз тўлов талабномасини тақдим қилишга ҳақлидир.

Мазкур шартнома бекор қилинган ҳолларда Ижрочи буюртмачи билан тўланган тўловлар бўйича қайта ҳисоб-китобни амалга ошириши шарт.

#### **4-БОБ. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

##### **9. “Ижрочи”нинг мажбуриятлари:**

10. Тоифаланган объектни кўриқлов остига қабул қилгандан сўн “Ғарбий” Давлат корхонаси объектнинг ишончли кўриқланиши ва мудофааси, тоифаланган объектни НЎПда рухсатнома тартибининг амалга оширилиши, тоифаланган объектларни кўриғини ташкиллаштириш бўйича Йўриқнома талаблари билан белгиланган бошқа тадбирларнинг ўтказилиши учун тўлиқ жавобгар ҳисобланади.

11. Тоифаланган объект томонидан тақдим этилган маиший хизмат хоналарини, муҳандислик техник воситаларини ва бошқа мулкни соз ҳолда сақланишини таъминлайди ва улардан амалдаги меъёрий ҳужжатларга мувофиқ фойдаланади.

12. Тоифаланган объектнинг моддий бойликлари талон-тарож қилинган, йўқолган, зарар етказилган ҳолатларда “Ижрочи”нинг айбдор шахсларини амалдаги қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортади.

13. Объект НЎПдаги механизмларни, хизмат ва бошқа хоналарини, сув ва канализация тармоқларини, ёритиш ускуналарини, инвентар ва мебелларни таъмирлаш учун талабномаларни ўз вақтида “Буюртмачи”га беради.

14. Объектда кириш-чиқиш ва ички объект режимига риоя этиш, объект ҳудудига белгиланган тартибда моддий қимматликларни олиб кирилиши ва чиқилишини назорат қилади.

##### **15. “Буюртмачи”нинг мажбуриятлар:**

16. Тоифаланган объектнинг кўриқлов остига топшириладиган вақтида кўриқлаш бўлинмасига казарма, хизмат, маиший маданий ва бошқа хоналарни тақдим қилади, мазкур хоналарни таъмирлашни “Ижрочи” талабномалари бўйича амалга оширади.

17. Замонавий турдаги муҳандислик-техник кўриқлаш воситаларини (кейинги ўринларда МТҚВ деб юритилади) жорий қилиш ҳисобига тоифаланган объектни ишончли кўриғини оширишга қаратилган тадбирларни ўтказиши. Тоифаланган объектларни МТҚВ билан жиҳозлаш бўйича Йўриқнома талабларига мувофиқ МТҚВнинг қайта жиҳозлаш ва жорий таъмирлашни амалга оширади. Кўриқлаш бўлинмаси томонидан олинандиган тақиқланган ҳудуд МТҚВ учун эҳтиёт қисм ва воситаларни тўловини амалга оширади.

18. Кўриқлаш бўлинмасининг казарма биноларини, иншоотларини жорий ва капитал таъмирини амалга оширади, коммунал хизматларини (свет, сув, иссиқлик) тўлайди.

19. Худудий ИИБ навбатчилик қисми билан тўғридан-тўғри алоқа каналларини тақдим этилишини таъминлайди.

20. “Ижрочи”нинг талабномалари бўйича МТҚВнинг реконструкцияси ва капитал таъмирини амалга оширади. Тақиқланган ҳудудда зарур муҳандислик тўсиқлари, окоп-бошпаналар ва объектга яқин жойларда мудофаа иншоотларини куради.

## **5-боб. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

21. Мазкур Шартноманинг 7-бандида кўрсатилган сумманинг Буюртмачи томонидан ўз вақтида хизматлар ҳақини тўламаганлиги учун Буюртмачи Ижрочига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

22. Ижрочининг ходими постда ва патрул йўналишларида асосиз равишда бўлмаганида Ижрочи Буюртмачига ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорда пеня тўлайди, бироқ бунда кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим.

23. Пеня тўлаш Буюртмачи ва Ижрочини ўз мажбуриятларини бузиш оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

24. Қуйидаги ҳолларда Ижрочи зарарни қопламайди:

ижрочи шартномада кўрсатилган мажбуриятларни тўлиқ бажарган бўлишига қарамасдан зарар учинчи шахсларнинг жиноий ҳаракатлари натижасида етказилган бўлса ва бу суднинг қонуний кучга кирган қарори билан тасдиқланса;

буюртмачининг ходимлари томонидан ёки уларнинг айби билан зарар етказилганда.

## **6-боб. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

25. Мазкур Шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш вақтида тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар, шунингдек етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

## **7-боб. ФОРС-МАЖОР**

26. Томонлар ушбу Шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар ушбу бажармаслик Шартнома тузилгандан кейин пайдо бўлган, энгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) оқибати ҳисобланса, жавобгарликдан озод қилинади.

27. Энгиб бўлмайдиган куч ҳолатига ҳавола қилувчи томон бошқа томонни бундай ҳолатлар бошланганлиги ва тамом бўлганлиги тўғрисида 2 (икки) кун ичида ёзма шаклда хабардор қилиши шарт. Ушбу муддат ичида хабар бермаган Томон мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлиги учун жавобгарликдан озод қилиш асоси сифатида кўрсатишга ҳақли эмас.

Форс-мажор ҳолатларига сув тошқинлари, ер қимирлаши ва бошқа табиий ҳалокатлар, шунингдек эпидемиялар, ёнғинлар, портлашлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мазкур Шартнома ижросига бевосита таъсир кўрсатган қарорлари киради.

28. Мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати энгиб бўлмас куч ҳолатлари амал қилган даврга мутаносиб равишда кечиктирилади. Агарда форс-мажор 3 (уч) ой давом этса Томонлар мазкур Шартномани бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

## **8-боб. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

29. Мазкур Шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради.

30. Мазкур Шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилганда ҳамда Буюртмачи ва Ижрочининг вакиллари томонидан имзоланган тақдирда ҳақиқийдир.

Томонлар мазкур шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги таклифига иккинчи тарафдан рад жавоби олингандан кейингина ёки ўттиз кунлик муддатда жавоб олмаганидан кейин, шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги талабини судга тақдим этиши мумкин.

31. Шартноманинг амал қилиш муддати қуйидагича белгиланади:

Мазкур шартнома жорий йилнинг 31 декабрь куни охиригача амал қилади.

Буюртмачи мазкур Шартномани бекор қилиш ҳақида Ижрочига Шартнома муддати тугашидан 60 кун олдин маълум қилмаса, мазкур Шартноманинг амал қилиш муддати худди шу муддатга ва худди шу шартларда узайтирилган ҳисобланади.

32. Агар техник кўриқлаш воситалари Буюртмачининг айби билан ишдан чиққан, капитал ёки жорий таъмирлашни талаб қилса, бироқ Буюртмачи буни рад этса, Ижрочи Буюртмачига 7 (етти) кун олдин ёзма маълум қилган ҳолда алоҳида объектларни кўриқлашни рад этиши мумкин.

33. Буюртмачи кетма-кет уч марта мазкур Шартноманинг 7-бандида кўрсатилган тўловни белгиланган муддатида тўламаса, Ижрочи мазкур Шартномани Буюртмачини ёзма равишда огоҳлантирган ҳолда бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

34. Томонлар мазкур шартномани муддатидан олдин бекор қилиши тўғрисида 60 кун олдин ёзма равишда маълум қилади.

35. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тоифаланган объектни кўриқланиши бошқа вазирлик ёки кўмигага ўтказиш ҳақида қарор қабул қилинган тақдирда, “Буюртмачи” кўриқлаш бўлини тарқатилиши ва бўлини тарқатиш бўйича тадбирларни ўтказувчи ташкилотлар билан ўзаро ҳисоб-китоб қилинишига қадар, “Ижрочи”ни тоифаланган объектга ўтказилгандан сўнг узоғи билан уч ой мобайнида таъминлаши шарт.

36. Шартномавий мажбуриятларни бажармаслик ёки тўлақонли бажармаганлик учун томонлар Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ жавобгарликни бўйнига оладилар.

37. Шартномани бекор қилиш Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарори бўйича амалга оширилиши мумкин.

## 9-БОБ. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

### Ижрочи

Ўзбекистон Республикаси Миллий  
гвардияси Қорақалпоғистон  
Республикаси Кўриқлаш бошқармаси

Юридик манзили: Нукус шаҳри  
А.Тимур кўчаси 129А-уй.

Банк маълумотлари: ҚР Марказий  
банки

х/р: 21596000900577288001

МФО: 00015

ИНН: 202674548

ОКЭД: 84220

Бошлик



М.И.Калжанов

### Буюртмачи

«Ғарбий» Давлат корхонаси

Юридик манзили: Нукус шаҳри  
Хўжайли гузари 14А-уй.

Банк маълумотлари: АТИБ «Ипотека  
банк» Қорақалпоғистон филиали

х/р: 23404000700677320321

МФО: 00621

ИНН: 207244929

ОКЭД: 84119

Директор



А.С.Матчанов

Юрис: [Signature]

« ТАСДИКЛАЙМАН »

« КЕЛИШАМАН »

Узбекистон Республикаси Миллий гвардияси  
Коракалпогистон Республикаси Куриклаш  
бошқармаси бошлиғи



2022 йил

М.И.Калжанов

"Гарбий" Давлат корхонаси  
директори



А.С.Матчанов

2022 йил

"Гарбий" Давлат корхонасини куриклаш буйича

### СМЕТА- ХИСОБИ

2022-йил 01-Январь кунидан хисобланади

| № | Куриклаш тури         | Постлар сони  | Куриклаш вақти                       | Бир ойлик куриклаш вақти | Куриклашнинг пост-соати нархи | Куриклаш учун 1 ойлик харажатлар хисоби |
|---|-----------------------|---------------|--------------------------------------|--------------------------|-------------------------------|---|
| 1 | 2                     | 3             | 4                                    | 5                        | 6                             | 7                                       |
| 1 | Саф булинма           | 4             | 24 соат<br>(09:00 дан<br>09:00 гача) | 730                      | 88469                         | 258329480                               |
| 2 | Туман коэффициент 10% |               |                                      |                          |                               | 4142880                                 |
|   | Жами:                 | 262472360 сум |                                      |                          |                               | 262472360                               |

Узбекистон Республикаси Миллий гвардияси  
Коракалпогистон Республикаси Куриклаш  
бошқармаси МИБ бошлиғи

"Келишилган"

Бош хисобчиси

А.Аяпберенов